

Doston Sh. MUSTAFAYEV,

*Doctoral Student of ISESCO Department of
Islamic Studies and Civilization of the
International Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: mcdos@inbox.ru*

САЙИД ШАРИФ ЖУРЖОНИЙ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

САЙИД ШАРИФ ДЖУРДЖАНИ И ЕГО НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ

SAYYID SHARIF JURJANI AND HIS SCIENTIFIC HERITAGE

КИРИШ

Ер юзида инсон зоти яратилганидан буён у томонидан олиб борилган илмий изланишлар наслдан наслга ўтиб, асрлар ўтиши билан аввалги илмий натижалар янгилари билан бойиб бормоқда. Бу шаклда давом этган изланиш ва тадқиқотлар натижасида илм ва техникада катта бир масофа босиб ўтилди. Бу изланишлар натижалари бутун инсониятнинг ютуғидир.

Ижтимоий фанлар соҳасида ҳам биздан олдин ўтган олимларнинг илмий меросларига катта эҳтиёж мавжуд. Уларнинг ёзган асарларини билиш ва ўрганиш бугунги кун муаммоларини ҳал этишда бир восита бўлиши шубҳасиз. Хусусан, бугунги кунда бутун эътиборимизни қаратган ёшлар тарбияси ва камолоти масаласида ҳам тарихий шахсиятларни уларга тўғри шаклда танитиш долзарб ҳисобланади. Зеро, таниш, ёқтириш, тақлид этиш ва ўрнатилиш каби ҳолатлар, аввало, инсоннинг ўрганишга бўлган иштиёқини орттиради, қолаверса, инсон ўзи яхши кўрган кишисига ўхшагиси ва ёки ундан ҳам кўпроқ муваффақият қозонгиси келади. Шу нуқтаи назардан, тарихий шахсиятларнинг фаолиятлари ҳақида маълумот бериш билан бирга, ўрнатилиш лозим бўлган фазилатларини янада яхшироқ ёритиш орқали уларни келажак авлодга танитиш тарбия ва таълим соҳасидаги самарадорлик омилларидан ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Амир Темур ҳукмронлик йилларида юртимизда фаолият олиб борган Саййид Шариф Журжоний 740/1340 йили Журжон яқинидаги Току қишлоғида таваллуд топган. Олимнинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али бўлиб, саййид нисбати пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом)га насаб жиҳатидан боғлиқлиги сабабидан берилган (Гумуш, 1985). У аждоди Муҳаммад ибн Зайд (ваф. 287/900) тарафидан Пайғамбар шажарасига ўн уч авлод воситасида боғланган (Шавканий, 2011).

Олим туғилган ва вояга етган Журжон шахрининг бундай ном билан номланиши борасида турли қарашлар мавжуд бўлиб, “Тариху Журжон” асарида зикр қилинишига кўра, Нух пайғамбарнинг авлодидан ҳисобланган Журжон ибн Ловуз ибн Сом ушбу шаҳарни бунёд этган (Саҳмий, 1981). Шаҳар географик жиҳатдан Каспий денгизининг жануби-шарқида, Эроннинг шимолида жойлашган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005).

Журжон – Форс диёрининг машҳур ва катта шаҳарларидан бири бўлиб, сувлари кўп, ерлари кенг, дунё шаҳарлари орасида энг гўзал шаҳарлардан бири ҳисобланади, шоир бу шаҳарни куйидагича васфлайди:

Мазмуни: “У (шаҳар) қуёш тафти куйдирган инсон ҳам, совуқда қолган киши ҳам мамнун бўладиган, об-ҳавоси мўътадил, кичик тоғлару суғориладиган ерлар, денгизу тоғлик, текисликлардан иборат дунёнинг жаннатидир” (Ҳамавий, 1977).

Журжон шаҳри халифа Сулаймон ибн Абдулмалик (ваф. 98/717) даврида Язид ибн Маҳлаб (ваф. 101/720) томонидан фатҳ этилган (Саҳмий, 1981). X–XI асрларда Журжон шаҳри маҳаллий зиёрийлар сулоласи пойтахти бўлган. Араб географларининг таъкидлашларича, бу пайтга келиб Журжоннинг сиёсий мавқеи пасайган бўлса ҳам, Каспий бўйи вилоятлари ичида энг катта шаҳар ҳисобланган. Журжон ҳосилдорлиги, турли хилдаги маданий ўсимликлари, ўзининг ипаги билан шухрат қозонган. Журжон шаҳридан ўтган дарё уни 2 қисмга: Шаҳристон ва Бакрободга ажратган, улар ўзаро кўприк билан боғланган. Шаҳристон ўнг қирғоқда, Бакробод сўл қирғоқда жойлашган. X асрдаёқ шаҳар сомонийлар ва бувайҳийлар ўртасидаги урушлар натижасида таназзулга учраган, зиёрийлар ким ғолиб бўлса ўша томонга ўтиб туришган. Зиёрийлар даврида қурилган Қобус ибн Вашмгир мақбараси ҳозиргача

Аннотация: Мақолада Саййид Шариф Журжоний ҳаёти ва илмий фаолияти, олим ёзган асарлар таснифи ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Мақоланинг кириш қисмида тарихий шахсиятлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишнинг аҳамияти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтилган. Мақоланинг асосий қисми аввалида илм-фан ва маданият марказларидан ҳисобланган Журжон шахри тарихи, географик жойлашуви ҳамда ушбу шаҳардан етишиб чиққан машҳур олимлар, Саййид Шариф Журжонийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, хусусан, илм йўлидаги сафарлари, устоз ва шогирдлари, Журжоний ва Тафтазонийнинг илмий баҳслари, Амир Темур ва Журжоний ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, мақолада олим асарларининг таснифи, улар қамраган мавзулар ва уларнинг хусусиятлари ёритиб берилган. Хусусан, Журжонийнинг калом ва ақоид, тафсир, фикр, тасаввуф, араб тили ва адабиёти, мантиқ, фалсафа, астрономия, география ва бошқа соҳаларга оид асарлари номма-ном келтирилган. Калом илмига оид “Шарҳ ал-Мавақиф”, Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” тафсирига ёзган ҳошияси “Ҳошия ала-л-Кашшоф”, диний истилоҳларга бағишланган “ат-Таърифот”, ҳадис усулига оид “ал-Мухтасар ал-жомеъ ли-маърифати-л-ҳадис”, Баҳауддин Нақибанд маноқибларига бағишланган “Рисолаи Баҳоийя”, мантиққа оид “Ҳошия ала шарҳ аш-Шамсийя”, араб адабиётига оид “Шарҳ қасидати Бонат Суод”, фалсафага оид “Ҳошия ала шарҳ ҳикмати-л-айн” асарлари ҳақида нисбатан батафсилроқ зикр этилади.

Хулоса қисмида, Саййид Шариф Журжоний ўз даврининг тенги йўқ алломаси бўлгани, илмнинг барча соҳаларида қалам юргизиб, ўзидан сўнг улкан илмий мерос қолдиргани, қолаверса, араб тили ва адабиёти соҳасида ёзган асарлари барча илм аҳллари эътиборида экани таъкидланади.

Калит сўзлар: Журжон, Саййид Шариф Журжоний, калом, тафсир, фалсафа, мантиқ, араб тили, тасаввуф, Амир Темур, Тафтазоний.

Аннотация: В статье представлена информация о жизни и научной деятельности Сайида Шарифа Джурджани, дана классификация произведений, написанных ученым. Вводная часть статьи посвящена важности изучения жизни и деятельности исторических личностей и ее роли в воспитании молодежи. Основная часть статьи посвящена истории, географическому положению Джурджана, который изначально был центром науки и культуры, а также жизни и научной деятельности Сайида Шарифа Джурджани, включая его путешествия в науку, учителей и студентов, научные дискуссии Джурджани и Тафтазани, приведена информация об отношениях Амир Темура и Джурджани. В статье описывается классификация работ ученого, темы, которые они затрагивают, и их особенности. В частности, названы работы Джурджани по каламу и акиде, тафсиру, юриспруденции, мистицизму, арабскому языку и литературе, логике, философии, астрономии, геометрии и другим областям. «Шарх аль-Мавакиф» по теологии, «Хашия ала-л-Кашшоф» на комментарий Махмуда Замахшари к аль-Кашшофу, «аль-Таърифат» по религиозной терминологии, «аль-Мухтасар аль-Джамеъ ли-маърифати-л-хадис», Более подробно будут упомянуты «Рисолай Бахайя», посвященная Бахауддину Накибанду, «Хошия ала шарх аш-Шамсийя» по логике, «Шарх қасидати Бонат Суод» по арабской литературе, «Хошия ала шарх хикмати-л-айн» по философии. В заключение следует отметить, что Сайид Шариф Джурджани был несравненным ученым своего времени, писал во всех областях науки и оставил большое научное наследие, а также его работы в области арабского языка и литературы находятся в центре внимания всех ученые.

Ключевые слова: Джурджан, Сайид Шариф Джурджани, калам, тафсир, философия, логика, арабский язык, тасаввуф, Амир Темур, Тафтазани.

Abstract: The article provides information about the life and scholarly activity of Sayyid Sharif Jurjani, the classification of his works. The introductory part of the article focuses on the importance of studying the lives and activities of historical figures and their role in the education of young people. The main part of the article is about the history, geographical location of Jurjan, which was originally a center of science and culture, and the life and scholarly activity of Sayyid Sharif Jurjani, including his travels in science, teachers, and students, scholarly debates of Jurjani and Taftazani, information about the relationship between Amir Temur and Jurjani is given. However, the article describes the classification of the scholar's works, the topics they cover, and their features. In particular, Jurjani's works on kalam and aqeedah, tafsir, jurisprudence, mysticism, Arabic language and literature, logic, philosophy, astronomy, geography, and other fields are named. "Sharh al-Mawaqif" on kalam, "Hashiya ala-l-Kashshaf" on Mahmud Zamakhshari's commentary on al-Kashshaf, "al-Ta'rifat" on religious terminology, "al-Mukhtasar al-Jami' li Ma'rifat al-hadith", "Risalai Bahaiyya" dedicated to Baha'uddin Naqshband, "Hashiya ala Sharh ash-Shamsiyya" on logic, "Sharh Qasidah Bonat Suod" on Arabic literature, "Hashiya ala Sharh Hikmah al-ayn" on philosophy will be mentioned in more detail.

In conclusion, it is noted that Sayyid Sharif Jurjani was an incomparable scholar of his time. He wrote in all fields of science and left a great scientific legacy. His works in Arabic language and literature are in the spotlight of all scholars.

Keywords: Jurjan, Sayyid Sharif Jurjani, kalam, tafsir, philosophy, logic, Arabic language, tasawwuf, Amir Timur, Taftazani.

сақланиб қолган. Амир Темур (ваф. 807/1405) ва темурийлар даврида Астробод шаҳри юксалиб, вилоят ҳам унинг номи билан машҳур бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005).

НАТИЖА

Ўрта асрларда илм-фан тараққий этган Журжон шаҳридан кўплаб таниқли адиблар, тарихчи ва файласуфлар, муҳаддису фақиҳлар етишиб чиққан. Уларнинг энг машҳурлари қаторида “Тариху Журжон” асари муаллифи Ҳамза ибн Юсуф Саҳмий Журжоний (ваф. 427/1036), машҳур муҳаддис Аҳмад ибн Иброҳим Исмоилий Журжоний (ваф. 371/982), улуғ имом, фақиҳ, нахв, калом ва балоғат илмлари пешвоси Абдулқохир Журжоний (ваф. 474/1082), муҳаддис ва адиб Абу Омир Фазл ибн Исмоил Журжоний, машҳур табиб Абу Саҳл Масиҳий Журжоний (ваф. 401/1010), муҳаддис Усмон ибн Саид Журжоний (ваф. 346/957), Муҳаммад ибн Умайро Журжоний (ваф. 267/881), Абу Аҳмад ибн Адий Журжоний (ваф. 365/976) ҳамда ҳанафий фақиҳи Кумайл ибн Жаъфар Журжоний (ваф. 336/947) каби олимларни санаб ўтиш мумкин.

Бошланғич ва ўрта таҳсилни ўз юртидаги олимлардан олган Саййид Шариф илмини орттириш мақсадида Қутбиддин Розий Тахтоний (ваф. 766/1365)нинг ҳузурига Ҳирот шаҳрига йўл олди (1362 йилдан олдин) (Лакҳнавий, 2009).

Қутбиддин Розий бир муддат Журжонийни ўқитганидан сўнг кексалик сабаб заифлашиб қолганини ҳамда ортиқ таълим бера олмаслигини айтиб, унга шогирди ва озод қилган қули, айни ўша вақтда Мисрда яшаётган Муборакшоҳнинг ҳузурига бориб таълим олишни маслаҳат берди. Муборакшоҳга бир мактуб ёзиб уни Саййид Шарифдан бериб юборди (Лакҳнавий, 2009). Журжоний 766/1365 йили Миср сари йўлга чиқди. Шарқий Анадўлуга келганида Жамолддин Оксарой (ваф. 766/1365)нинг шухратини эшитиб, ундан илм олишга қарор қилди. Аммо бу вақтда Оксаройнинг вафот этгани ҳақида хабар олди. Сўнг Оксаройнинг шогирди Шамсиддин Фанорий (ваф. 834/1430) билан танишди ва биргаликда Мисрга келдилар (Лакҳнавий, 2009).

Мисрда ақлий илмларни Муборакшоҳдан, нақлий илмларни Акмалуддин Бобартий (ваф. 786/1384)дан таълим олган Журжоний сўнг

776/1374 йилда Мисрдан Анадўлу шаҳрига йўл олди (Ислам ансиклопедияси, 1940). Аллома Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 792/1385) билан танишди ва унинг тавсиясига биноан ўша вақтнинг ҳокими Шоҳ Шужоъ томонидан Шероздаги Дор аш-Шифо мадрасасига муддарис этиб тайинланди (Исфохоний, 1993).

789/1387 йилда Шерозни ишғол этган Амир Темур (ваф. 807/1405) Журжонийга ҳурмат кўрсатиб, унинг уйдан паноҳ топганларга ҳам омонлик берди (Тошкўпризода, 1975). Амир Темур Журжоний билан кўришгач уни Самарқандга таклиф этди. Журжоний таклифни қабул қилиб, Самарқандга йўл олди. Олим Самарқандда ўн саккиз йил бош мударрис сифатида фаолият олиб борди ва кўплаб асарлар битди. Самарқандда кечган ҳаёти давомида Саййид Шариф Журжоний бир қатор олимлар, хусусан, аллома Тафтазоний (ваф. 794/1392) билан бир қанча илмий баҳс ва мунозаралар олиб борди. Ушбу мунозараларнинг акс-садоси бутун оламга тарқалди. Ҳатто мазкур илмий мунозараларга доир алоҳида рисоалар ҳам битилди. Мунозараларда устун келган Журжонийнинг шухрати олимлар орасида танилиши билан бирга Амир Темур наздида ҳам унинг эътибори янада юксалди. Натижада Амир Темур уни Мовароуннаҳрдаги биринчи даражали олим мавқеига чикарди (Гумуш, 1985).

Журжоний ва Тафтазоний орасидаги фикрий мунозаралар асрлар давомида уламолар ўртасида ихтилоfli мавзуга айланди ҳамда Журжоний ёки Тафтазоний тарафдори бўлмоқ буюк олимларнинг хусусиятига айланди (Шавконий, 2011).

Бир гал Саъдуддин Тафтазоний ва Саййид Шариф Журжоний ўртасидаги машҳур баҳс-мунозаралар пайтида Соҳибқирон Амир Темур Журжонийга бўлган юксак ҳурматини изҳор этиб, бундай деган: “Баҳсларда ва илмларда Тафтазоний ҳазратлари устун бўлиши мумкин, бироқ Журжоний ҳазратлари саййидлиги учун ҳам бугун ғолибдир” (Лакҳнавий, 2009).

Ўз навбатида Журжоний ҳам Амир Темурнинг мартабасини улуғлаб, дин йўлидаги хизматларини эътироф этган. Бу ҳақда Амир Темур “Темур тузуклари” асарида Журжонийдан келган мактуб ҳақида батафсил тўхталиб ўтади ва куйидагиларни келтиради: “Замон уламосининг улуғи бўлмиш Мир Саййид Шариф бу хусусда менга мактуб йўллаб ёзган эдиларки, илгариги ва кейинги авлод ислом олимларининг барчаси бир оғиздан иттифоқ бўлиб

деганларки, Аллоҳи таоло, ҳазрати рисолатпаноҳ Пайғамбаримиз, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг динини тарқатиш учун ҳар юз йилда бир кишини динни янгиловчи сифатида ихтиёр этади. Саккизинчи юз йилликнинг бошида Амир соҳибқирон дини мубинни ривожлантирди ва ҳар томонга ёйди. Дини ислом оламнинг турли ўлкалари ва шаҳарларида равнақ топди. Ҳақли равишда (бу асрда) диннинг тарқатувчиси Амир соҳибқиронлиги тасдиқланди” (Амир Темур, 2016).

807/1405 йилда Амир Темур вафот этгач, Саййид Шариф Журжоний Шероз шаҳрига қайтиб келди (Ислам ансиклопедиси, 1940). Умрининг охири асар ёзиш ва таълим беришга бағишлаган Журжоний ҳижрий 816 санада Рабиул охир ойининг 6-куни, милодий 1413 йил 7 июль чоршанба куни Шерозда вафот этди. Атиқ жомеси яқинидаги Воқиб қабристонида дафн этилди (Саховий, 1995). Ҳозирги кунда олимнинг макбараси зиёратгоҳга айлантирилган.

Олимнинг илмий фаолияти. Мутааххир олимларнинг дастлабки вакилларида хисобланган Журжоний ўз давридаги Ислом дунёси илм аҳллари кўзга кўринган вакили эди. У араб тили тилшуноси ва файласуф ўлароқ танилиши билан бирга ўша даврда мадрасаларда ўқитилган илмлардан калом, ислом фалсафаси, мантиқ, араб тили ва адабиёти, фикҳ ва усул, тафсир, ҳадис ва мунозара илми каби илм соҳаларида устоз эди. Манбалар унинг ўта закий, мударак, муҳаққик, чуқур мулоҳазали, ўткир фикрли, фасоҳат ва балоғат соҳиби, баҳс ва далил келтириш усуллари яхши билувчи, мантиқ ва ақл тақозосига кўра суҳбатлашувчи бўлгани ҳақида яқдил.

Усмонли давлати, Эрон, Туркистон ва Ҳиндистон ижоза силсилаларининг бир қисми Тафтазоний, бошқа бир қисми Журжоний орқали Фаҳриддин Розий (ваф. 606/1209)га туташар эди. Машҳур математик Қозизода Румий (1337–1430), Фатҳуллоҳ Ширвоний (ваф. 857/1453), Саййид Али Ажамий (ваф. 860/1455), Фаҳриддин Ажамий (ваф. 865/1460) ва Алоуддин Али Самарқандий каби олимлар унинг машҳур талабалари ҳисобланадилар (Кошифий, 1969).

Асарлари. Саййид Шариф Журжоний ва унинг асарлари ҳақида олиб борилган тадқиқотларга кўра, олим диний ва дунёвий илмларга бағишланган юзга яқин асар ёзган. Асарларининг аксар қисмини шарҳ ва ҳошиялар ташкил этади.

Саййид Шариф Журжонийнинг араб тили ва адабиётига доир асарлари илм аҳллари доимий мурожаат қилувчи китоблар сифатида наслдан наслга ўтиб келди ва унинг фикрлари мадрасаларда тил ва адабиёт дарсликлари учун асос бўлиб хизмат қилди (Ислам ансиклопедиси, 1940). Булардан ташқари Журжоний тафсир, ҳадис, усули ҳадис, баҳс ва мунозара, геометрия ва астрономия илмларига оид қимматли асарлар ёзганки, уларнинг барчаси мазкур илм соҳалари мутахассислари тарафидан қабул қилинган ва ушбу соҳаларнинг муҳим манбаларидан ҳисоблаб келинмоқда (Гумуш, 1985).

Журжоний калом ва ақоид илмига оид “Шарҳ ал-Мавоқиф”, “Шарҳ ал-ақоид ал-адудийя”, “Рисола фи-л-фирқа ан-нажия фи-л-мазаҳиб”, “Ҳошия ат-тажрид”, “Ҳошия ала шарҳ ал-Асфихоний”, “Шарҳ ал-асма ал-хусна”, “Ҳошия ала матоле ал-анзор”, “Ҳошия ала шарҳи-л-Мавоқиф”, “Рисолату-л-қадар”, “Рисола фи таҳқиқ афъоли-л-ибод”, “Рисола фи холқи-л-аъмал”, “Рисола дар усулиддин”, “Рисолату-т-тавҳид” (“Рисола фи калима Лаа илааҳа иллаллоҳ”), “Шарҳу-л-хутбатил-Вафийя”, “Шарҳ табсирати Ибн Сино” номли асарлар ёзган. Унинг “Шарҳ ал-Мавоқиф” номли асари Адудуддин Ижзийнинг “ал-Мавоқиф” номли асари шарҳи бўлиб (Ўрта аср Шарҳ алломалари энциклопедияси, 2016), Журжоний уни 1404 йили Самарқандда Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Мақосид” асари ёзилганидан сўнг таълиф этган. Асар Самарқандда ёзилишига қарамай, унинг муқаддима қисмида темурийлар хонадони вакили Шероз султони Пирмуҳаммад Искандар исми зикр этилган ва унинг номига санолар келтирилган. Асарда барча калом ва фалсафага оид баҳслар тадқиқ этилган. “Шарҳ ал-Мавоқиф” олти асрга яқин вақт фан доирасида мадрасаларнинг асосий манбаси бўлиб келди ва бугунги кунимизга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Табакот асарларида олимнинг тафсир илмига оид “Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий”, “Тафсир аз-заҳровайн”, “Ҳошия ала-л-Кашшоф”, “Таржумон ал-Қуръон”, “Рисола фи қовлиҳи таала “Санурийҳим аятина фи-л-офоқи ва фи анфусиҳим”, “Рисола фи баъзи мушкилати-л-Кашшоф” (“Шарҳ мушкилати-л-Кашшоф”) номли асарлари зикр этилади. Улар орасида бугунги кунга қадар етиб келган ва кенг тарқалгани “Ҳошия ала-л-Кашшоф” асаридир.

Саййид Шариф Журжонийнинг мазкур асари аллома Махмуд Замахшарий (ваф. 538/1143)нинг “ал-Кашшоф ан ҳақоиқи-т-танзил” номли машҳур тафсир асарининг дастлабки қисми, яъни Фотиҳа сураси ҳамда Бақара сурасининг дастлабки йигирма беш ояти тафсирига ёзилган ҳошия саналади.

МУҲОКАМА

Журжонийнинг ушбу асари қачон ва қаерда ёзилгани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган бўлса-да, асар савияси ва унда келтирилган маълумотларга кўра, олим уни старли илм таҳсил қилганидан сўнг ҳамда 791/1389 йилда Тафтазоний билан олиб борган мунозаралари вақтида ёхуд бундан бир муддат кейин таълиф этган, дея оламиз. Чунки Журжоний бу асарида “Баъзилар шундай иддао қилади” (Аърозий, 2012), каби ифодалар орқали Тафтазоний ва ўзи ўртасида кечган мунозараларга ишора этади.

Саййид Шариф ҳадис илмига оид “Ҳошия ала мишкоти-л-масобих”, “ад-Дибож ал-мазҳаб фи мусталаҳ ал-ҳадис”, “Ҳошия ала хулоса ат-Тибий”, “Ҳошия ала шарҳи-л-Мишкот”, “Рисола фи мусталаҳ ал-ҳадис”, “ал-Мухтасар ал-жомеъ ли-маърифати-л-ҳадис” номли асарлар таълиф этган. Ҳадис усулига оид “ал-Мухтасар ал-жомеъ ли-маърифати-л-ҳадис” асарини Журжонийга тегишли эмас деб ҳисобловчилар топилса-да, Абдулҳай Лакхнавий (ваф. 1304/1886) унинг Журжонийга тегишли эканини исботлаган ва унга “Зофару-л-аманий мухтасар ал-Журжоний” номли шарҳ ёзган.

Олимнинг усулул фикҳга оид “Ҳошия ала шарҳ мухтасари-л-мунтаҳо”, “Ҳошияи жадида”, “Ҳошия ала-т-талвиҳ ала-т-тавиҳ” ҳамда фуруъул фикҳ илмига оид “Ҳошия ала шарҳи-л-Виқоя”, “Шарҳи Канзи-д-дақоик”, “Шарҳул-Ҳидоя”, “Шарҳ ал-фароиз ас-Сирожийя” каби асарлари машҳур. “Ҳошия ала шарҳи-л-Виқоя” номли асари ҳанафий фикҳига оид бўлиб, унда Садруш-шарианинг “Виқоят-у-р-ривоя фи масоили-л-Ҳидоя” номли китобига ҳошия битган. Шунингдек, “Шарҳул-Ҳидоя” асари Бурҳониддин Марғинович (ваф. 593/1197)нинг “Бидаяту-л-мубтадий” асарига ўзи томонидан ёзилган машҳур “Ҳидоя” асарининг ҳошияси ҳисобланади. Ҳошия тўлиқ бўлмай, қудуқларни поклаш бобига қадар ёзилган. Бу асарнинг Сулаймония кутубхонаси Жоруллох

бўлимида сақланаётган биргина нусхаси мавжуд.

Мерос илмига оид “Шарҳу-л-фароиз ас-сирожийя” асари Сирожиддин Муҳаммад ибн Махмуд ибн Абдуррашиднинг “Фароизу-с-Сажовандий” номли ҳанафий мазҳаби мерос илмига оид асарининг шарҳи бўлиб, 1401 йилда ёзилган. “Шарҳу-л-фароиз ас-сирожийя” асари ҳозирга қадар мадрасаларда ўқитиб келинади. Унга ўндан ортиқ ҳошиялар ёзилган.

Журжоний асарларининг аксар қисми араб тили ва унга боғлиқ илмларга оид ҳисобланади. Улардан “Сарфи Мир”, Шарҳ ал-Иззий, “Рисола фи маъна-л-харф”, “Шарҳ ал-Кофия ибн ал-Ҳожиб”, “Ҳошия ала шарҳи-л-мутаваассит”, “Ҳошияи Мутоввал”, “ат-Таърифот”, “ат-Тухфа”, “Ҳошия ала-л-авамил ал-Журжонийя”, “Шарҳ тасриф ал-Иззий”, “Муқаддима фи-с-сарф”, “ан-Нисоб фи луғоти-л-аъжам”, “Ҳошия ала-л-Мувашшаҳ”, “Ҳошия ала-л-Мисбаҳ”, “ал-Мисбаҳ”, “Ҳошия ала-л-Мухтасар”, “Шарҳ абёти Мифтах”, “Шарҳ талхис ал-Мифтах”, “Ҳошия ала шарҳи Нукракор”, “Наҳви Мир” номли асарлар Журжоний қаламига мансуб эканлиги аниқланган.

Саййид Шариф Журжонийнинг “ат-Таърифот” номли асари олимнинг энг машҳур асари ҳисобланади. Бу китоб ўзига хос диний истилоҳлар қомусидир. Шу билан бирга, у ушбу мавзу бўйича араб тилида ёзилган қомусларнинг биринчиларидан ҳисобланади. Унда муаллифнинг давригача бўлган илм ва фанга оид атамаларнинг маънолари қисқа ва тушунарли қилиб ёритилган. Олим ўзининг ушбу ажойиб қомусида сўзларни алифбо ҳарфлари тартиби асосида келтирган. Бу қомус ҳозиргача ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ, балки унинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бу илмий ҳақиқатни кўплаб шарқшунослар ҳам тан олганлар. Китобда 2026 та истилоҳнинг таърифи келтирилган бўлиб, улар асосан калом, фалсафа, мантиқ, наҳв, сарф, аруз, қофия, фикҳ, фароиз, усулул фикҳ, ҳисоб, балоғат, тафсир, тасаввуф каби илмларга хос истилоҳларни ўз ичига қамраб олган (Шайх Муҳаммад Содиқ, 2014). Мазкур асар илмий жиҳатдан ўз йўналишида ундан олдин ва кейин ёзилган асарларнинг энг эътиборлиларидан бўлиб келмоқда.

Журжоний тасаввуф илми билан ҳам шуғулланган бўлиб, Самарқандда нақшбандий шайхларидан ҳисобланган Хожа Алоуддин Аттор (ваф. 802/1400)дан тасаввуф дарсларини олди,

натижада тасаввуф бўйича ҳам асарлар битди (Гумуш, 1985). У нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд манокібларига бағишланган “Рисолаи Баҳойя” асарини битган. Асар “Рисола фи манокіб Хожа Баҳоуддин” номи билан ҳам аталган. Саховий ва Котиб Чалабий каби ишончли муаллифлар Журжонийнинг бундай асари борлигини таъкидласалар-да, ҳозирга қадар асарнинг бирор нусхаси топилмаган. Шунингдек, олим содиқ зоҳидлар амал қилиши керак бўлган хусусларга оид форс тилида ўн уч фаслдан иборат “ар-Рисола аш-шавкийя” ва Шайх Шихобуддин Суҳравардийнинг “Аворифу-л-маориф” асарига таълиқ этилган “Ҳошия ала-л-Авориф” номли асар ҳам ёзган.

Журжонийнинг ёзиб қолдирган асарлари ўша вақтда ривож топган илмлар ҳақида билиб олишимизга ёрдам беради. Хусусан, у яшаган даврда мантиқ илми жуда ривожланган. Журжоний бу илмда “Ҳошия аъла лавамиъ ал-асрор шарҳ матолеъ ал-анвор”, “Рисолату-л-кубро фи-л-мантиқ”, “Рисолаи суғро”, “ал-Усул ал-мантикийя”, “Ҳошия ала шарҳ аш-Шамсийя”, “Ҳошия ала таволе ли-л-Асбихоний”, “Ҳошия ала-л-Матоле”, “Мир Исағужа”, “Рисола фи-л-алақо”, “Рисола фи-л-мантиқ”, “Рисола фи-н-нафси-н-натиқо ал-инсанийя”, “Рисолаи волидийя”, “Рисола фи тардиди-л-инфисол”, “Шарҳ ала қисмайи-т-тасаввурот ва-т-тасдиқот”, “Таҳқику-л-ашъ”, “Таҳқику-л-куллийёт”, “ал-Усул ал-мантикийя”, “Рисола фи-л-мизан”, “Рисола фи аҳками-т-таъриф”, “Жомеъату-л-муқаддима”, “Рисола фи баяни муқаддимати-ш-шуруъ фи-л-илм”, “Тақосим ал-улум” номли йигирмадан ортиқ асар ёзган.

Бугунга қадар мантиқ илмида асосий манбалардан ҳисобланган “Ҳошия ала шарҳ аш-Шамсийя” асари Нажмиддин Қазвинийнинг (ваф. 693/1294) “Шамсия” номли асарига Қутбиддин Розий Таҳтоний ёзган шарҳнинг ҳошияси саналади. Маълумотларга кўра, Журжонийнинг ушбу асари Тафтазонийнинг “Шарҳ аш-Шамсия” номли асаридан кўпроқ эътибор ва эътирофга сазовор бўлган. Қачон ва қаерда ёзилгани аниқ бўлмаган ушбу асар бугунга қадар бир неча бор нашр этилган ва унга бир қанча ҳошиялар ёзилган.

Нафақат диний, балки дунёвий фан соҳаларида ҳам салмоқли фаолият олиб борган олим ўзидан геометрия ва астрономияга оид “Шарҳ ал-Чағминий”, “Ҳошия ала-т-туҳфати-ш-шаҳийя”, “Шарҳу-т-тазкиро”, “Ҳошия ала ашқал ат-таъсис фи-л-

ҳандаса ли-л-аллама Шамсиддин ас-Самарқандий”, “Ҳошия ала таҳрир усул ҳандасати Ақлидис”, “Шарҳ тазкиро фи илми-л-хайъа” каби асарлар қолдирган.

Араб адабиётга оид “Шарҳ қасийдати Бонат Суод” (“Шарҳ қасидати Каъб ибн Зухайр”) асари Журжонийнинг адабий маҳоратини кўрсатади. “Бонат Суод” машҳур шоир Каъб ибн Зухайр ибн Абу Салманинг машҳур қасидаси номидир. Дастлаб Каъб ибн Зухайр Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳажв қилар эди. Аммо Каъб ибн Зухайр ўзи тавба қилиб, мусулмон бўлди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотни мадҳ қилиб, “Бонат Суод” номли қасидасини ўкиб берди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни афв қилдилар. Ушбу қасида жуда ҳам машҳур бўлганидан уни кўпчилик уламолар шарҳлаганлар ва бошқа тилларга таржима қилганлар. Жумладан, Саййид Шариф Журжоний ҳам мазкур асарни шарҳлаган (Шайх Муҳаммад Содиқ, 2014).

“Рисола фи-л-мавжуд би-ҳасби-л-қисмати-л-аклийя”, “Рисола фи-л-вужуд ва-л-адам”, “Рисола фи-л-вазъи-л-маъруфа би-л-миратийя”, “Маротиб ал-мавжудот фи тартиб ал-холқ”, “Ҳошия ала шарҳ ҳикмати-л-айн”, “Ҳошия ала шарҳ ҳидоя ал-ҳикма”, “Рисолаи ҳаст ва нист”, “Шарҳ қасидаи айнийя”, “Ҳошия ала-л-ҳикма ал-ишроқ”, “Ҳошия ала шарҳи шакки-л-ишорот”, “Рисола фи таҳқиқ ал-мабаҳис ал-мавжудийя ва-л-мақосид ал-усулийя”, “Рисола фи таҳқиқ ал-воқеъ” асарларида Саййид Шариф фалсафий масалалар тўғрисида баҳс юритади. Унинг “Ҳошия ала шарҳ ҳикмати-л-айн” номли асари Нажмиддин Қазвинийнинг “Ҳикмату-л-айн” асарига Мирак Бухорий нисбати билан танилган Муҳаммад ибн Муборак Шаҳин томонидан ёзилган шарҳнинг ҳошиясиدير.

Шу билан бирга, Журжонийнинг илмий мероси қаторида бошқа соҳалардаги “Ажвиба асыллати Искандархон султонун Табриз”, “Таълиқот ала баъзи фаваид аш-шайх ал-ҳакийм Майсам ал-Баҳроний”, “Шарҳ мифтах ал-улум”, “Ҳошия ала шарҳи-л-қисми-с-салис мин мифтах ал-улум”, “Ҳошия ала-л-мутоввал”, “Рисола фи-с-совт”, “Рисола фи адаби-л-баҳс ва-л-мунозара”, “Ҳошия ала рисолати-л-Адуд”, “Шарҳ адаби-л-Адуд”, “ал-Муаммо”, “Мақолид ал-улум фи-л-худуд ва-р-русум”, “Шарҳу-р-Рисола ал-вазъийя”, “Алфияту-ш-Шариф фи-л-муаммо ва-л-алғоз”, “Рисола фи илми-л-адвор”, “Таълиқ ала нисоби-с-сибён” каби асарлар ва ирода мавзусидаги икки мақоласини санаб ўтиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Саййид Шариф Журжоний XIV асрда Ислом дунёси етиштирган энг буюк илм даргаларидан бири ҳисобланган. Тафтазоний ва у каби баъзи олимларни истисно қилганда, ушбу асрда Журжонийдек салмоқли из қолдирган бирор олимни айтиш мушкул. Балки Тафтазонийдан бошқа Журжоний билан баҳс-мунозара қилишга лойиқ рақиб йўқ десак, муболаға бўлмас. Чунки олим ўз даврида кенг тарқалган илмларнинг деярли барчасида қалам тебратган. Жумладан, тафсир, калом, фикҳ, ҳадис, фалсафа, мантиқ, тасаввуф, астрономия, геометрия, араб тили ва адабиёти каби илм соҳаларида шундай асарлар ёзганки, бугунги кунимизга қадар олти юз йилдан ортиқ муддат ўтишига қарамасдан у қолдирган меросдан хали ҳам истифода этилмоқда.

Журжоний араб тили ва адабиёти соҳасида ўз замонаси талаб ва эҳтиёжларига кўра қилиниши керак бўлган илмий ишларни қилди. Бу соҳада катта-кичик йигирмага яқин асар ёзди. Таъкидлаш лозимки, олим ёзаётган асарларига енгил-елпи ёндашмай, балки кучли тадқиқот ва таҳқиқот натижаларига кўра ёзган. Шу сабабдан, унинг энг кичик рисоласи ҳам ўзидан кейингилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Ҳаттоки, السيد سيد الكلام [Каламу-с-Саййид саййиду-л-калам] – “Саййиднинг сўзи сўзларнинг саййидидир” ибораси илм аҳллари орасида зарбулмасалга айланди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислам ансиклопедиси. – Истанбул. 1940.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
3. Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси. – Самарқанд: (нашриёти кўрсатилмаган), 2016.
4. Амир Темур. Тузуклар. – Тошкент: Extremum-press, 2016.
5. Аърозий Р. Ҳошия аъла ал-Кашшоф. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-исламийя, 2012.
6. Гумуш С. Сеййид Шериф Журжани. – Истанбул: Фатих яйиневи матбааси, 1985.
7. Исфаҳоний М. Равзат ал-жанна. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-исламийя, 1993.
8. Кошифий Ҳ. и. Рашаҳот (таржима). – Истанбул: (нашриёти кўрсатилмаган), 1969.
9. Лахнавий А. Ал-Фаваид ал-бахийя. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-исламийя, 2009.
10. Саховий Ш. Аз-Зовъ ал-ламиъ. – Байрут: Дор ал-жид, 1995.

11. Саҳмий Ҳ. и. Тариху Журжон. – Қоҳира : Аълам ал-китаб, 1981.
12. Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нўъмонийя. – Байрут: (нашриёти кўрсатилмаган), 1975.
13. Ҳамавий Ё. Мўъжам ал-булдон. – Байрут: Дор Содир, 1977.
14. Шавконий, М. и. Ал-Бадр ат-толеъ. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исламий, 2011.
15. Шайх Муҳаммад Содик. Самарқанднинг сара уламолари. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2014.

